ШТУРМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОСМОСНИНГ ЯНГИ БАҲОДИРИГА БАЛЛИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 118 (2409). | 16 июнь, якшанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев космонавт учувчи В. Ф. Биковский билан телефон орқали гаплашди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев 14 июнда Москва вақти билан соат 19 дан 30 минут ўтганда парвозда бўлган космонавт учувчи, подполковник Валерий Федорович Биковский билан телефон орқали гаплашди.

Телефон аппарати ёнида ўртоқ Н. С. Хрушчев билан бирга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ҳам бор эди.

Ёзиб олинган суҳбат қуйида келтирилади:

В. Ф. Биковский. Қадрдон Никита Сергеевич, мен Сизнинг самимий табрик сўзларингиздан бениҳоя хурсанд бўлдим. Никита Сергеевич, оталарча гамхўрлигингиз учун Сизга чин қўнгилдан ташаккур билдираман. Мени комсомол тарбиялаб ўстирди. Мен учун Совет Ватанимизнинг ҳар қандай топшириғини бажаришдан ҳам юксак шараф йўқ. Коммунист бўлишни, улуғ ленинчи партиямизнинг аъзоси бўлишни истайман. Совет кишиларига эзгу тилаклари учун самимий ташаккур изҳор қиламан. Учиш программасини муваффақиятли тугаллаш учун ҳамма чорани кўраман. Космонавт Биковский.

Н. С. Хрушчев. Валерий Федорович, Сизни яна бир бор табриклайман. Овозингиз жуда тетик эшитилиб турибди. Гапимни яхши эшитаяпсизми?

В. Ф. Биковский. Гапингизни яхши эшитаяпман, Никита Сергеевич, катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Белгиланган программага мувофиқ, парвозни муваффақиятли тугаллаб, жонажон Еримизга қўнишингизни тилайман.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, топшириқ бажарилади. Катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Халқ Сизни зўр шодлик билан кутиб олади. Муваффақият тилайман. Кўришгунча хайр.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, бу гапларингизнинг ҳаммаси учун Сизга катта раҳмат. Кўришгунча хайр.

Н. С. Хрушчев. Кўришгунча хайр.

КОСМОСДАН ХУШ ХАБАРЛАР

ТАСС АХБОРОТИ № 2

Космонавт учувчи ўртоқ Валерий Федорович Биковский бошқараётган «Восток-5» космик кемаси ўз парвозини давом эттирмоқда. Москва вақти билан соат 18 гача «Восток-5» йўлдош кемаси Ер атрофини икки марта айланиб чиқди. Учувчи космонавт Биковский ўзини яхши ҳис қилмоқда. Кемадаги ҳамма системалар яхши ишламоқда. Космик кеманинг кабинасида олдиндан белгилаб қўйилган шароит сақланмоқда.

Космонавт программада кўзда тутилган физиологик синовларни бажарганидан ва ўз организмининг ҳолатини контроль қилганидан сўнг овқатланди.

Космонавт Биковский Африка устидан учиб ўтаётганида Африка қитъаси халқларига салом йўллади.

«Восток-5» йўлдош кемаси Ер атрофини бир марта айланиб чиқиб, яна Ватанимиз территорияси устида учиб борганда ўртоқ Биковский Совет Иттифоқи халқларига табрик йўллади ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга «Восток-5» космик кемасининг парвози муваффақиятли ўтаётганлигини маълум қилди.

ТАСС АХБОРОТИ № 3

«Восток-5» йўлдош кемаси Москва вақти билан соат 22-12 минутда Ер атрофини беш марта айланиб чиқди. Аниқланган маълумотларга қараганда, йўлдош кеманинг Ер атрофини айланиш даври 88,27 минут бўлиб, Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перегейи) — 175 километр, максимал узоқлашуви (апогейи) — 222 километр, орбита текислигининг экватор текислигига оғиш бурчаги 64 градус 58 минутдир.

Ер атрофини тўртинчи марта айланиб чиқиш вақтида космонавт Биковский Никита Сергеевич Хрушчев билан суҳбатлашди.

Космонавт Биковский турли мамлакатлар ва қитъалар территорияси устидан учиб ўтаётганда Европа, Хитой, Латин Америкаси, Австралия халқларига саломлар йўллади.

Парвоз вақтида Биковский программада кўзда тутилган физиологик ва вестибуляр тажрибаларни ўтказиб, шунингдек жисмоний машқлар комплексини бажарди. Космонавт Биковский ростбиф ва товуқ гўштини иштаҳа билан еди. У, ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда, вазнсизлик ҳолатини яхши ўтказмоқда. Томирининг уриши минутига — 76, нафас олиш тезлиги — 24 марта.

Ер атрофини тўртинчи марта айланиб чиқиш вақтида Валерий Биковский тўртинчи космонавт Павел Попович билан дўстона суҳбатлашди. Павел Попович Валерий Биковскийга оила аъзолари ва ёр-биродарларидан алангали салом топширди.

Космонавт Биковский парвозининг биринчи кундаги тадқиқотлар программасини бажариб бўлгач, Москва вақти билан соат 24 дан кейин ўхлаб олади.

Валерий Федорович БИКОВСКИЙ.

Вера Жихаренко фотоси (ТАСС фотохроникаси)

КОСМОСДАН ХУШ ХАБАРЛАР

ТАСС АХБОРОТИ № 4

«Восток-5» космик кемаси 1963 йил 15 июнь Москва вақти билан соат 8-30 минутгача Ер атрофини 12 марта айланиб чиқди.

Еттинчи айланишнинг охирига келиб, космонавт ўртоқ В. Ф. Биковский программада кўзда тутилган ишни бажарди. Ухлаш олдидан соат 00.05 минутда космонавт кемадаги ҳамма системалар нормал ишлаётганлигини, кабинадаги ҳарорат Цельсий термометри бўйича 20 градус, ҳавонинг намлиги 57 процент бўлганини, ўзини жуда яхши ҳис қилаётганини хабар берди.

Телеметрик ўлчов маълумотларига кўра, космонавтнинг томир тепиши минутига 64, нафас олиш тезлиги 20 марта. Ўртоқ В. Ф. Биковский қаттиқ ва осойишта ухлади. Уйқу вақтида томир тепиш тезлиги минутига 48—56 марта бўлди. Соат 7-00 минутда космонавт уйғонди, ўзини яхши ҳис қилаётганини хабар қилди, жисмоний машқлар билан шуғулланди, ювиниб олди ва шундан кейинги программани бажаришга киришди.

ТАСС АХБОРОТИ № 5

15 июнь Москва вақти билан соат 15 да космонавт учувчи Биковский бошқараётган «Восток-5» космик кемаси ўз парвозининг дастлабки суткасини тугаллади. Шу вақт ичида йўлдош кема Ер атрофини 16 мартадан кўпроқ айланиб чиқиб, 670 минг километрдан кўпроқ масофани босиб ўтди.

Соат 15 да йўлдош кема орбитасининг параметрлари қуйидагича бўлди: Ердан минимал узоқлашуви 173 километр, максимал узоқлашуви 219 километр, айланиб чиқиш даври 88,2 минут.

Бутун парвоз даврида космонавт ўзини яхши ҳис қилди. У, бардам ва парвоз ҳамда илмий тадқиқотлар юзасидан белгиланган программани муваффақиятли бажармоқда. Парвозининг дастлабки суткаси программасига физиологик тажрибалар, жумладан вестибуляр синовлар ўтказиш, ўз организмининг ҳолатини контрол қилиш, қисқа тўлқинли ва ультра қисқа тўлқинли каналлар орқали алоқа қилиш, Ер сатҳини, Қуёш ва Ойни кузатиш киритилган эди.

Ер атрофини айланиб чиқишлардан бири вақтида космонавт ориентацияининг қўл билан бошқариладиган системасини текшириб кўриш учун кемани ўзи бошқарди.

Шимолий Америка территорияси устидан учиб ўтаётганда космонавт АҚШ халқига салом йўллади.

Космонавт белгиланган вақтларда тушки, кечки ва эрталабки овқатларни қабул қилди. Космонавтнинг хилма-хил менюсида қовурилган тил, колбасали пирожки котлет, апельсин, олхўри пюреси, оқ ва қора нон ҳамда бошқа мазали юқори калорияли овқатлар бор.

Космонавт иштаҳаси яхши эканлигини хабар қилади. Олти соатлик уйқу осойишта ўтди ва космонавт кучига-куч қўшди. Космонавт эрталаб соат еттида уйғониб, парвоз иккинчи кунининг программасини бажаришга киришди.

Йўлдош кема кабинасидаги шароит нормал ҳолича турибди: босим симоб столбининг 775-780 миллиметрига тенг, ҳавонинг намлиги 40-65 процент, кабинадаги муайян температура автоматик тарзда сақлаб турилибди бироқ, космонавт ўз хоҳишига кўра, ҳароратни Цельсий термометри бўйича 12-20 градус атрофида ўзгартириб тура олади.

«Восток-5» йўлдош кемасининг приборлари ва системалари нормал ишламоқда. Кемадан мунтазам келиб турган телеметрик информациялар йўлдош кемадаги барча аппаратлар ишига баҳо бериш ҳамда космонавт организмининг аҳволи ҳақида объектив маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Телеметрик ўлчов маълумотларига кўра, космонавтнинг томир тепиши минутига 65-70 марта, нафас олиш тезлиги 17-20 марта бўлмоқда.

Бешинчи космонавтнинг парвози давом этмоқда.

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА САЛОМЛАР

Космонавт учувчи В. Ф. Биковский Европа устидан учиб ўтаётганида қуйидаги радиограммани берди:

Европа халқларини самимий қутлайман, тинчлик ва бахт-саодат тилайман.

В. Ф. Биковскийнинг иккинчи радиограммасида бундай дейилади:

Хитой территорияси устидан учиб ўтаётиб, совет космик кемаси «Восток-5» бортидан улуғ Хитой халқига қардошларча салом йўллайман.

Совет космонавти Америка қитъаси устидан учиб ўтар экан, «Восток-5» кемасидан қуйидаги радиограммани берди:

Латин Америкаси халқларини чин кўнгилдан табриклайман, тинчлик ва фароғат тилайман.

Революцион Кубанинг қаҳрамон халқига самимий салом.

«Восток-5» Австралия қитъаси устидан учиб ўтган пайтда бешинчи совет космонавти Австралия халқига яхши истакларини йўллади. (ТАСС).

ВАЛЕРИЙ ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИЛИДА, ДИЛИДА

РАҲМАТ, ВАЛЕРИЙ!

Беодёк пахта далаларидан биз яна бир космик бирадарни — ўз кемасини фазода дадил бошқариб бораётган бешинчи космонавт Валерий Биковскийни табриклаймиз.

«Восток-5» кемасининг улуғвор парвози ҳар гектарига 31 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашда бизга янги кучлар бағишлайди. Совет кишиси космосга парвоз қилишга, космик кемаларни бошқаришга қодир экан, биз ҳам «ХВС-1,2» зангори кемаларимизни далалар аро сафарга тайёрламоқдамиз.

Ватаннинг содиқ фарзанди, Ватан байроғини коммунизм байроғини яна юлдузлар сари кўтарган Валерий Биковскийга Ўзбекистоннинг ҳамма пахтакорлари номидан чин қалбдан раҳмат айтишни истаймиз.

Абдулла ОРТИҚОВ
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

В. Ф. Биковский само костюмида.

Б. Смирнов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

БЕШИНЧИ ЮЛДУЗ БУ...

Осмон қучоғини очди онадек,
Осмонга интилди заминий одам.
Осмонда беш қирра юлдуз ёнади,
Бир кўз бўлиб унга боқади олам.
Бешинчи юлдуз бу,
бешинчи ўғлон,
Фазо ўғлонларин жондош жўраси.
Қуёшнинг йўлида поёндоз осмон
Уни ўз бағрида шодон кўради.
Совет ўғлони бу,
комсомол шунқор,
Халқин муҳаббати юрак тўрида.
Қуёш унга боқиб қилар ифтиҳор,
Қуёш ишонади юрак қўрида.
Юрагим, Востокдек осмонда чўғлан!
Осмонда юракдек Восток жўшади.
Фазокор дўстлардек бешинчи ўғлон
Қуёшдан беш баҳо олиб тушади.

САЙЕР.
15 июнь, 1963 йил.

Валерий Федорович БИКОВСКИЙ.

С. Баранов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

ҲАЁТ ФАНИ

Бизнинг мамлакатимизда космос тўғрисидаги фан ҳаёт ҳақидаги фан бўлиб қолди, — деди ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Медицина фанлари академияси Ўлка медицинаси институтининг физиология бўлими мудири А. Ю. Юнусов. «Восток-5» кемаси программасининг биринчи моддасида космик учиш турли факторларининг инсон организмига таъсирини ўрганишни давом эттириш кўзда тутилганлиги мени роят ҳаяжонлантирди. Инсон саломатлиги биринчи ўринга қўйилмоқда! Бу ажойиб иш! Совет фанининг, коммунизм қурувчилар фанининг буюк кучи ҳам ана шунда!

Шундай қилиб, космосда инсонга юлдузлар сари қадамма-қадам йўл очиб берилмоқда. Булар — азамат халқнинг, улуғ мақсад билан илҳомланган халқнинг қадамларидир.

Инсон бахт-саодати йўлида парвоз қилган бешинчи космонавт баҳодир Валерий Биковскийга раҳмат.

ТИНЧЛИК ИШИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК!

„Правда“ ва „Известия“ газеталари бош редакторларининг саволларига СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ нинг жавоблари

АҚШ Президенти Ж. Кеннеди 10 июнда Вашингтондаги Америка университетида нутқ сўзлаб, бир қанча муҳим халқаро проблемаларга тўхталиб ўтди.

Бу нутқ совет матбуотида эълон қилинди.

«Правда» ва «Известия» газеталарининг бош редакторлари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, ундан АҚШ Президентининг ана шу нутқини шарҳлаб беришни илтимос қилдилар.

Н. С. Хрушчевнинг жавоблари қуйида эълон қилинади:

Савол. АҚШ Президенти Ж. Кеннеди ўз нутқида уруш ва тинчлик проблемаларига алоҳида эътибор берди. Шу билан бирга у айтдики, бизнинг асримизда «тотал уруши ҳеч қандай маънога эга эмас». «тинчликнинг рўёбга чиқарилмайдиган нарса ўлиши шарт эмас, урушнинг муқаррар бир нарса бўлиши шарт эмас». У, шунингдек айтдики, «Қўшма Штатлар билан унинг иттифоқчилари ҳам, Совет Иттифоқи билан унинг иттифоқчилари ҳам адолатли ва чинакам тинчликдан ҳамда қуролланиш пойгасининг тўхтатилишидан ўзаро чуқур манфаатдордирлар».

Сиз АҚШ Президентининг ана шу гапларига қандай баҳо берасиз?

Жавоб. АҚШ Президенти Ж. Кеннедининг нутқи АҚШда, шунингдек жаҳондаги бошқа мамлакатларда, шу жумладан Совет Иттифоқида эътиборни ўзига тортди.

Президентнинг ана шу нутқида ҳозирги замоннинг энг муҳим масаласи: ядро қуроли бениҳоя зўр вайронгарчилик кучига эга бўлиб қолган, шу қуролнинг запаслари узлуксиз кўпайиб бораётган бир шароитда уруш ва тинчлик масаласи тилга олинган.

Фикримча, совет кишилари АҚШ Президентининг нутқи билан қизиқиб, танишиб чиққан бўлсалар керак, чунки бу нутқда халқаро вазиятга реал баҳо беришда олдинга қараб қадам қўйилган ҳамда инсониятни қуролланиш пойгасидан ва жаҳон термоядро уруши хавфидан халос қила оладиган йўлларни топиш зарурлиги ҳақида гапирилади.

Совет ҳукумати ўзининг ташқи сиёсатида социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципга ҳамиша амал қилиб келганлигини жаҳон жамоатчилиги, барча совет кишилари яхши биладилар. Бизнинг ҳукуматимиз қуролланиш пойгасини тўхатиш, ёпмасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида, ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида, ер шарининг турли районларида атомсиз зоналар вужудга келтириш тўғрисида, чет эл қўшинларини бошқаларнинг территорияларидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал қилиш тўғрисида, Шимолий Атлантик блоки (НАТО)га аъзо бўлган мамлакатлар билан Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузиш тўғрисида конкрет таклифлар киритди.

Совет ҳукумати БМТ доирасида, шунингдек турли комиссиялар, комитетлар ва кичик комитетларда мазкур масалалар хусусида ҳамда бошқа низоли ва ҳал бўлмаган кўпгина масалалар ҳусусида амалий таклифлар киритиб, конкрет, бир мақсадга интилиб иш кўриб келаётганлигини кўрсатувчи мисоллари анчагина келтириш мумкин.

Қуролланиш пойгаси, ядро қуролини жуда кўп миқдорда жамғариш натижасида жаҳон учун, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари учун реал хавф-хатарнинг мавжудлиги Президент Кеннедининг нутқида таъкидлаб ўтилади. У, ҳозирги замон шароитида жаҳон уруши аниқса бемаъни бир нарсадир, чунки бу уруш муқаррар суратда жуда кўплаб одамларнинг қирилиб кетишига ва кўп авлодларнинг меҳнати билан бунёдга келтирилган моддий бойликларнинг вайрон қилинишига сабаб бўлади, деб тўғри гапиради. Шунингдек, у қуролланиш пойгасини тўхатиб қўйилмаса бу иш уруш ҳалокатига олиб бориши мумкин, деб ҳаққоний тарзда кўрсатиб ўтади. Ядро бомбалари — бодринг эмаски, уни омборга босиб қўйиб, анча узоқ вақтгача консерва шаклида асраб туриш мумкин бўлса.

Президентнинг ҳозирги замон шароитида жаҳон уруши муқаррар эмас, деган гаплари ҳам диққатни ўзига жалб қилади. Маълумки, бизнинг бундай хулосага келганимизга анча бўлди. Айтилганлардан кўриниб турибдики, нутқда реал вазият сергаклик билан ҳисоба олинганидан далолат берувчи бир қанча ижобий моментлар бор.

АҚШ Президентининг нутқини ўқиган пайтда, шулар билан бирга унда баъзи бир қарама-қарши фикрлар айтилганлигига эътибор бермаслик ҳам мумкин эмас.

Президент «совуқ уруш»ни тўхатиш зарурлиги ҳақида гапиради. Бироқ АҚШ Президенти шу гапни тантанали суратда айтиш билан бирга «совуқ уруш» манбаъларини йўқотишга интиладими? Нутқдан бу нарса кўринмайди.

Масалан, энг муҳим проблемалардан бирини — Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масаласини олиб кўрайлик.

Президент Кеннеди бундай деди: «Масалан, Ғарбий Европани ва Ғарбий Берлинни ҳимоя қилиш ҳақидаги мажбуриятимиз ҳаётий манфаатларимизнинг бир-бирига монандлиги туфайли ўзгармасдан қолаверади. Қўшма Штатлар бошқа мамлакатларга ва бошқа халқларга путур етказган ҳолда, Совет Иттифоқи билан ҳеч қандай битим тузмайди, ана шу мамлакатлар ва халқларнинг бизнинг шерикларимиз эканликларигина бунга сабаб эмас, балки уларнинг манфаатлари билан бизнинг манфаатларимиз бир-бирига мос бўлиб тушаётганлиги ҳам бунга сабабдир».

Шундай тасаввур туғиладики, АҚШ ҳукумати Германия проблемасини нелишиб, ҳал қилиш йўлларини қидиришга интилаётгани йўқ ва амалда бу масалада эски позицияларда қолмоқда. Бу позициялар эса Ғарбий Германияда Аденауэр, Брандт ва бошқа реваншчилик кайфиятидаги кишилар бошчилик қилаётган энг реакцион агрессив кучларнинг позицияси билан аслида туташиб кетмоқда. Шундай қилиб, «совуқ уруш»нинг асосий манбаларидан бири йўқотилмаяпти.

Совет ҳукумати ўзининг иккинчи жаҳон урушидаги собиқ иттифоқчилари билан биргаликда Германия сулҳ шартномасини имзолашни ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал қилишни истар эди. Совет ҳукуматининг неча марталаб берган баёнотларидан шу нарса маълумки, бу масаланинг ҳал қилиниши бир томонга фойда келтириш ёки иккинчи томоннинг манфаатига хилоф иш тутиш мақсадларини кўзламайди. Германия шартномасининг имзоланишидан умуман тинчлик иши ютади, ҳамма халқлар, шу жумладан Америка халқи ютади. Германия масаласи хусусидаги совет таклифлари конкрет ва равшан таклифлардир. Бу таклифлар Европа ва Германияда вужудга келган аҳволни — иккита суверен герман давлати: Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси борлигини тан олишга асосланган.

Конкрет равишда Ғарбий Берлин масаласига келганда шуни айтиш керакки, Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириб, унинг халқаро статусини тегишинча гарантиялаб беришдан ҳам кўра, оқилона ва мантиқли таклифлар йўқ.

Совет ҳукумати эркин шаҳар Ғарбий Берлинга БМТ иштироки билан энг катъий халқаро гарантиялар бериш тарафдоридир, деган гапни яна бир карра таъкидлаб айтаман. Шу нарсани тамомила қатъият билан ҳисобга олиш ва ёрдамчи ўтиш зарурки, Германия сулҳ шартномасини тузишдан ҳеч қаёққа кочиб бўлмайди. Бу масала ҳал қилинмоғи керак ва ҳал қилинади ҳам. Биз бу масаланинг Ғарб давлатлари билан келишиб ҳал қилинишини афзал кўрар эдик.

«Совуқ уруш» манбаъларини тугатиш учун, «совуқ уруш»нинг манбаъларигина эмас, балки янги жаҳон урушини бошлаб юборувчи хатарли манбаъларни ҳам тугатиш учун кўрук истакларнинг ўзигина эмас, балки конкрет ҳаракат қилиш талаб этилади.

Ёки бошқа бир жуда муҳим масалани олиб кўринг. Биринчи халқаро нескинликни юмшатиш тўғрисида гапиради. Лекин шу гапни бошқаларнинг территориялардаги Америка ҳарбий базаларини мавжудлиги билан қандай чиқиштириш мумкин. Ахир АҚШ Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик мамлакатларни ўз ҳарбий базалари билан қуршаб олганлиги факт-ку. АҚШ аслида Жанубий Вьетнамни, Жанубий Кореяни, Японияни ва бошқа бир канча давлатларни оккупация қилиб олди. Бундан ташқари Ҳитойнинг азалий территорияси — Тайванни Қўшма Штатларнинг агрессияси натижасида Америка кўшинлари ҳамон оккупация қилиб турибди. Баъзи бир мамлакатларда Америка кўшинлари амалда халқаро жандармлик вазифасини бажариб, уруш ҳаракатлари олиб бормоқда, миллий озодлик ҳаракатини бостирмоқда.

Хўш, АҚШ бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқларини поймол қилаётганлигини айтмайсизми?

АҚШнинг энг ашаддий сиёсий арбоблари — бу арбоблар эса бир канча ҳолларда ҳийла юксак мансабларни эгаллаб турибдилар — Кубанинг ички ишларига ошкора ва ҳатто қуролли йўл билан аралашишга тўппа-тўғри даъват қилиб, АҚШнинг империалистик монополияларига маъқул бўлган тартибларни Куба халқига мажбуран қабул қилдиришга интилмоқдалар.

Агар Президент Кеннедининг «совуқ уруш»ни тўхатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги гаплари мантиқан охирига етказиладиган бўлса бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш уларнинг суверенитетини ҳурматлаш халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, БМТ Уставини сўздагина эмас, балки амалда ҳам ҳурматлаш, бошқа давлатларга қарши агрессия қилиш учун трамплин ҳисобланган ҳарбий базаларни йўқотиш зарур.

Е бўлмаса, НАТО мамлакатлари билан Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузиш сингари мутлақо равшан масалани олиб кўринг. Шу масалада бир битимга келиниши сиёсий вазиятни илитиб юборар эди, холос. Ахир гап территориялар жиҳатидан ён бериш устида ҳам, бошқа масалаларда ён бериш устида ҳам бораётгани йўқ, чунки бундай шартноманинг тузилиши уни имзолаган ҳамма мамлакатларга баббаравар манфаат келтиради. Лекин шунга қарамай, ғарб мамлакатларида бундай шартномани имзолаб бўлмайди деб айтмоқдалар. У ердагилар бунга ҳаммамиз БМТ нинг аъзосимиз, БМТ Устави бир хил мамлакатларнинг иккинчи хил мамлакатларга ҳужум қилмаслигини кўзда тутади, деган важни кўрсатмоқдалар. Лекин бошқарти БМТ Устави ҳужум қилмасликни кўзда тутишини важ қилаётган эканлар, хўш нима учун Ғарб давлатлари агрессив блокларни тузиб қўйдилар? НАТО блоки мудофаа мақсадлари учун тузилган деган гаплар — соддадил кишиларга мўлжалланган гаплардир. Чунки ана шу ҳарбий иттифоқнинг кўпгина масъул арбоблари унинг агрессив характерга эга эканлигини, унинг Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилганлигини яширмаяптилар.

Шундай бўлиб чиқмоқдаки, жаҳонда нескинлик вужудга келтириш учун ҳатто ҳарбий блоклар тузилишини оқламоқдалар-у, ҳужум қилмаслик тўғрисида пакт тузиш таклиф этилган пайтда бундай пактнинг кераги йўқ деб айтмоқдалар. Ваҳоланки, ҳужум қилмаслик ҳақидаги пактнинг мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда ижобий момент эканлиги ҳар бир кишига равшан нарса-ку.

Ғарбдаги баъзи бир арбоблар ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузишнинг ҳожати йўқ, чунки бу нарса нескинликнинг пасайишига олиб боради, деган гапларни очиқдан-очиқ сурбетлик билан гапирмоқдалар. давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши эса бундай арбоблар учун фойдали эмасдир. Бундай арбобларнинг мақсади реваншчиларни қўллаб-қувватлаш, Германия Демократик Республикасига ва бошқа социалистик мамлакатларга муттасил тахдид қилиб туриш ва бу билан «совуқ уруш»ни авж олдириш ва халқаро нескинликни кучайтиришдан иборат.

Ҳужум қилмаслик ҳақидаги пактнинг даркори йўқ деган мулоҳазада ҳўш қандай мантиқ бор?

АҚШ Президенти «совуқ уруш»ни тўхатиш ҳақида гапиради. Биз бундай гапларни табриклаймиз. Бироқ А дединг-ми, орқасидан Б ҳам дейишинг керак, деганларидек яхши гапларни ва даъватларни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш лозим.

Савол. Президент Кеннеди ядро синовларини тақиқлаш ва қуролсизланиш проблемасини алоҳида ажратиб гапирди.

Сиз ядро синовларини тақиқлаш масаласи юзасидан битим тузиш истиқболларига ва, жумладан, шу масала ҳақида Москвада олиб бориладиган музокараларга қандай баҳо берасиз?

Жавоб. Маълумки, ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида бир неча йилдан бўён музокаралар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳам Женевада шу тўғрида кўп нутқлар сўзланмоқда.

Масала нимага бориб тақалмоқда? Ғарб мамлакатлари ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида битим тузиш учун инспекцияларнинг муайян миқдори ҳақида ўз шартларини илгари сурдилар. Улар нимани хоҳлайдилар? Улар, аслида, НАТО ҳарбий штаблари жосуслари учун совет территориясининг очиб берилишини хоҳлайдилар.

Бу талабнинг илгари сурилиши шуни кўрсатадики, ғарб давлатларининг ҳукуматлари ишончсизликни ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларга асос қилиб олмоқдалар. Аммо, шундай нуқтаи назарда бўлинар экан, низоли халқаро масалаларнинг бирортасини ҳам ҳал этиш мумкин бўлмай қолади. Эски хаммом эски тоз деганларига ўхшаш бир аҳвол рўй бераяпти: Биз гохо сизга ишонмаймиз, гохо сиз бизга ишонмайсиз.

Совет ҳукумати жосуслик мақсадларида инспекция ўтказишни учун мамлакатимизнинг территориясини бўшатиб бермаяжагини айтиб келди ва ҳозирда ҳам шуни айтмоқда. Фан ядро портлатишларни миллий контроль воситалари йўли билан билиб олиш мумкин эканлигини исбот қилган. Бизнинг фикримизча, Президентнинг ўзи бунга яхши билади, шу билан бирга, Президент нутқ билан мурожаат қилган аудитория ҳам бунга яхши билади, деб ўйлаш керак. Бундан ташқари, биз инглиз олимларининг кузатиш мақсадлари учун чекланган миқдорда автоматик сейсмик станцияларни жойлаштириш тўғрисидаги таклифини қабул қилишга розилик билдирган эдик ва такрор айтаман, ҳозир ҳам бу таклифни қабул қилишга розимиз.

Билиб олишнинг миллий воситалари ва автоматик сейсмик станциялар ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги битимни бузиш йўлида эҳтимол тутилган ҳар қандай урунишларни аниқлашнинг мустаҳкам гарантиясидир. Маълумки, биз ер ости синовларини тўхатиш устидан контроль қилиш учун икки-уч инспекция ўтказилишига розилик берган эдик. Биз сиёсий мулоҳазалар билан шундай қилган эдик. Бу иккинчи томоннинг истакларига ён беришга қараганда қадам эди, дейиш мумкин. Музокаралардаги партнерларимиз бу таклифимизга тегишлича баҳо бермаганликлари ҳақида афсусланишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда нима етишмаётир? Ғарб давлатларининг битимга келишни ва музокараларда лўттибозлик қилишдан воз кечишни истаишлари керак, холос.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, биз барча ядро синовларини тўхатиш тўғрисидаги битимни шу бугунок имзолашга тайёрмиз. Гап Ғарбда қолган. Биз бу масала юзасидан бамаслаҳат бир фикрга келмоқ учун яна бир марта ҳаракат қилиб кўриш мақсадида уч давлат вакилларининг Москвада учрашувига розилик билдирдик. Аммо бу учрашувнинг муваффақиятли тўтиши АҚШ ва Англия вакилларининг мамлакатимизга қандай таклифлар билан келишларига боғлиқ бўлади.

Қўшма Штатлар президенти замонамизнинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш каби энг муҳим проблемасига тўхталиб ўтади. Унинг бу оддий ва енгил проблема эмас, бу проблемани ҳал этмоқ учун кўп куч-ғайрат сарф қилиш ва муайян фурсат талаб этилади, деган гаплари ҳаққоний гапдир.

Совет ҳукумати ҳозирда ҳам қуролсизланиш масалаларини қараб чиқиш вақтида куч-ғайратини аямаётир. Давлат арбоблари, нихоят, қуролланиш пойгасини тўхатиш каби кечиктириб бўлмайдиган бундай вазифани ҳал этиш юзасидан инсоният олдидаги буюк жавобгарликларини англаб олишлари керак.

Президент Кеннеди қуролланиш пойгасидан бўшаб қоладиган маблағларни олижаноброк мақсадларга сарф қилиш яхши бўлур эди, деган маънода гапиради. Дарҳақиқат, дунёда қашшоқлик, очлик ва ишсизлик ҳали кўп. Қўшма Штатлар ҳукумати қуролсизланиш тўғрисидаги яхши истакларни баён қилиш билан бу соҳада конкрет тадбирларни ҳам кўрганида маъқул иш бўлур эди.

Совет ҳукуматининг бу тўғридаги таклифлари ҳаммага маълум.

Халқаро вазиятни ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун юқорида айтиб ўтилган масалалар билан бир қаторда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, савдо-сотиқни ривожлантириш ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ўз нутқида, афсуски, шу масала ҳақида лом-мим демайди.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати, аслида, Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ қилишни тақиқламоқда. Дуруст. Совет Иттифоқидан крабнинг АҚШга юборилишини тақиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилди. Краб ҳақиқатан ҳам мазали таом. Аммо крабнинг ўзи билан иш битмайди.

Совет Иттифоқи — буюк мамлакатдир. Биз, саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур ресурсларнинг ҳаммасига эгамиз. Биз Америка Қўшма Штатлари билан савдо-сотиқ қилмасдан ҳам кунимиз ўтиб турибди ва, афтидан, Америка Қўшма Штатлари билан савдо-сотиқ қилмай, ўз хўжалигимизни бундан буён ҳам муваффақиятли суратда ривожлантира оламиз Мен Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш тўғрисида гапираяпман, чунки савдо-сотиқ мамлакатлар ўртасидаги яхши муносабатларни кўрсатувчи мезондир.

Америка Қўшма Штатлари биз билан савдо-сотиқ қилмагани ҳолда ўз иттифоқчиларига тазйиқ кўрсатмоқда ва кўпинча уларнинг Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ қилишларини тақиқламоқда. Бундай тазйиқни жуда аққол кўрсатиб берадиган мисол шуки, АҚШ Ғарбий Германия фирмаларини шартнома юзасидан олган мажбуриятларини бузиб, Совет Иттифоқига пўлат қувурлар етказиб бермасликка мажбур қилди.

Биз бундан зарар кўрмадик, балки тазйиқ остида қолганлар ютқазди. «Совуқ уруш» шамолига яна бир совуқ шамол қўшилгандай бўлди.

Америка матбуоти совет ташқи савдоси ходимлари делегациясининг АҚШ да бўлишига қандай баҳо бераётганлигига бир назар солиб кўринг-чи. Америка матбуоти бу делегацияни Америкага қарши фаолиятда айблашгача бориб етади. Бунга сабаб шуки, совет делегацияси Совет-Америка савдо муносабатларини нормал йўлга қўйиш учун савдо саноат аҳли билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Бундай фаолият АҚШда номатлуб бир иш деб қораланадиган бўлса, у ҳолда Совет-Америка муносабатларини яхшилаш ва «совуқ уруш»ни тугатиш манфаатлари тўғрисидаги гаплардан нима фойда?

Савол. Президентнинг сўзидан шу нарса кўриниб турибдики, у турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши муқаррар ва зарур эканлигини эътироф қилади. Айни вақтда унинг нутқида Ғарб пропагандасининг коммунистлар ўз системасини бошқа мамлакатларга мажбуран қабул қилдирмочи бўладилар ва бу эса, халқаро кескинликнинг асосий сабабидир, деган одатдаги даъволари такрорланади.

АҚШ Президентининг ана шу даъволари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Жавоб. АҚШ Президенти бу ўринда, афсуски, коммунизм тўғрисида жуда кўп бемаъни гаплар айтган Даллеснинг лугатидан фойдаланмоқда. Капиталистик тартиблар тарихий тараққиётнинг объектив қонунлари, туфайли қулаб, емирилиб бормоқда. Президент эса, буни «коммунистларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий системасини бошқаларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишларидир», деб изоҳламоқчи бўлади. Капитализм негизлари бемаъни гаплар туфайли эмас, балки меҳнат билан капитал ўртасидаги муросасиз зиддиятлар туфайли ва халқларнинг ўз озодлиги учун олиб бораётган кураши натижасида қулаб бормоқда.

Маълумки, биз турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашига тарафдор бўлганимиз ҳолда, идеология соҳасида тинч-тотув яшашни таклиф этаётганимиз йўқ, аммо идеологик низоларни давлатлар ўртасида уруш йўли билан бартараф қилиш тарафдорлари ҳам эмасмиз. Бизнинг нуқтаи назаримиз ана шундай, бизнинг сиёсатимиз ана шундай.

Пировардида шуни айтишни истар эдим: АҚШ Президенти Кеннединнинг нутқи, умуман, ижобий таассурот қолдиради. Биз Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳақидаги даъватларни ва унинг «Совет Иттифоқига нисбатан ўз муносабатларимизни қайтадан кўриб чиқайлик», деган гапларини мамнуният билан қабул қиламиз. Биз Президентнинг мамлакатларимиз халқлари тинчликнинг сақланишидан айни бир хил даражада манфаатдорлар, деган гапларига қўшиламиз. Совет Иттифоқи халқлари Америка Қўшма Штатларининг талантли ва меҳнатсевар халқини ҳурмат қиладилар ва у билан дўстона муносабатда бўлишни истайдилар.

Биз шу нарсага чуқур аминмизки, Америка Қўшма Штатлари Президентининг мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва «совуқ уруш»ни тугатиш тўғрисидаги, Совет Иттифоқи ва АҚШ халқлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳақидаги даъватини Америка халқининг гоят кўпчилиги қўллаб-қувватлайди; Совет Иттифоқи халқлари эса доим ана шу позицияларда туриб келган эдилар ва ҳозир ҳам шу позицияларда турибдилар. Биз мамлакатлар ўртасидаги яхши муносабатлар амалда рўёбга чиқишига интиламиз, аммо бунга эришмоқ учун «совуқ уруш» олиб бориш ва низоли масалаларни уруш чиқазиш йўли билан ҳал этиш позицияларида турган кучларга қарши курашда куч-ғайратни аямаслик керак.

Америка ҳукумати, унинг сиёсий практикаси шундай баёнотлардан кейин конкрет тадбирлар кўрадими, ёки йўқми, буни фурсат кўрсатиб беради. Тинчлик тўғрисидаги сўзларни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш зарур. Совет ҳукумати Америка ҳукуматининг ана шу конкрет ишларини тушунади ва қўллаб-қувватлайди.

Биз ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш йўлларини топиш ва буюк давлатларимиз ўртасида яхши муносабатлар ўрнатиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

(«ПРАВДА», 15 июнь).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ АФҒОНИСТОНГА БОРИШИГА ДОИР

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Ҳазрат Олийларининг ўтган йили СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнева қилган таклифига биноан, Л. И. Брежнев расмий визит билан Афғонистонга шу йил 12 октябрда боради, деган битимга келишилди.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюросида учрашув

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюросида Ўзбекистон хотин-қизларининг III съездида қатнашган Ўрта Осиё республикалари делегацияларининг вакиллари — партия ва совет ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашув бўлди.

Республикаларнинг иқтисодий ва иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг иштироки тўғрисида, хотин-қизлар ўртасидаги тарбия ишининг методлари ҳақида, умумий саккиз йиллик таълим тўғрисидаги қонунни амалга оширишда ва қизларнинг ишлаб чиқариш таълимини уюштириш тўғрисида ишчи хотин-қизларга энг яхши маданий-маиший шароит яратиб бериш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш тўғрисида фикр олишилди.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев иқтисодий районни ривожлантириш истиқболлари ва Ўрта Осиё республикалари хотин-қизларининг хўжалик ва маданий қурилиш сохасидаги вазифалари тўғрисида сўзлаб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Қирғизистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Бегматова, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Каримова, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Х. Н. Назарова, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ш. Қолбаева, медицина фанлари доктори С. Ҳакимовалар қатнашдилар. (ЎзТАГ)

СПАРТАКИАДА ОЧИЛДИ

Ўзбекистон йигитлари ва қизлари республикамиз пойтахтида ўз традицион спорт байрамларига ўн бир марта тўпланган эдилар. Ленин комсомоли ва физкультура ташкилотлари тарбиялаб етиштирган Валерий Биковский «Восток-5» кемасида фазони муваффақиятли забт этиб, ўз Ватани шарафига шараф қўшаётган ажойиб кунларда улар ўн иккинчи марта тўпландилар.

Республика спортининг тараққиёти тарихида етти йилликнинг бешинчи йили, Ўзбекистон XII спартакиадаси ва СССР халқлари III спартакиадаси йилида бўлганидек, ёшлик, куч ва чакконликнинг шу қадар оммавий, ёркин ва гўзалбона одими бўлмаган эди.

...1959 йил. Республикада физкультура ва спорт билан 700 минг киши шуғулланар эди... 1963 йилда уларнинг сони миллиондан ошиб кетди. Ўзбекистон аҳолисининг тўққиздан бири соғлиқ, мустаҳкам ирода, меҳнатсеварлик йўлини спортда топди. Бу йилги спартакиадага тайёргарлик вақтида завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар, шахта ва қурилишлар, мактаб ва олий ўқув юртлари, муассасалар ва аскарий қисмлардаги физкультура коллективларида ўтказилган. мусобақаларда, район, шаҳар ва область спартакиадаларида икки миллион 300 минг киши қатнашди.

Бу рақамлар КПСС XXII съездининг партия ёш авлодини болалик чоғидан бошлаб жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашни, уларда жисмоний ва маънавий кучларни ўйғун равишда ривожланишни таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди, деган қарори Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан далолат беради. «Бу эса оммавий спорт ва физкультураниг барча хилларини бутун чоралар билан рағбатлантиришни, шу жумладан мактабларда ҳам рағбатлантиришни, аҳолининг тобора кенг табақаларини, айниқса ёшларни физкультура ҳаракатига жалб этишни талаб қилади»,— дейилади КПСС Программасида.

Илгариги спартакиадалар эсга тушади. Ўша пайтларда халқаро ва Бутуниттифоқ майдонида Ўзбекистон спортининг муносиб вакили бўлган гимнастикачилар ва курашчиларнинг бир нечагина номи мамнуният билан тилга олинар эди. Эндиликда бу рўйхатга даддилик билан енгил атлетикачилар, марганлар, баскетболчилар, шахматчилар, шашкачилар, чавандозлар, сузувчилар, велосипедчилар, футболчилар, боксчилар, мотоциклчилар, планерчиларни кўшиш мумкин... Республика физкультурачилари сафида юзларча СССР спорт мастерлари бор. СССР халкларининг III спартакиадасига тайёргарлик вақтида спорт мастерлари сафига яна 72 киши кўшилди

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг физкультура ва спортни ривожлантириш ҳақида кун сайин оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги ҳамма сохаларда сезилиб турибди. Кейинги йилларда Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларида кўпгина янги стадионлар, спорт заллари, сузиш ҳавзалари ўйинлар учун майдончалар ва бошқа спорт иншоотлари қурилди.

... 1963 йил 15 июнь Бу кун спортни севувчи ва спорт билан шуғулланувчи кишиларнинг хотирасида абадий сақланиб қолади Энг кучли спортчилардан 2.500 га яқин киши спортнинг ўн етти тури бўйича голибларни аниқлаш учун, Москвада август ойида бўладиган Бутуниттифоқ спартакиадасида Ўзбекистоннинг спорт шарафини ҳимоя қилишга энг муносиб бўлган кишиларни аниклаш учун республика пойтахтига тўпландилар. Программанинг бир канча турлари бўйича мусобақалар ўтказиб бўлинганлигини ҳисобга олсак, финал ўйинларининг қатнашчилари уч минг кишидан ошиб кетади. Ҳали ҳеч қачон финалга шунча одам чиқмаган эди.

Соат 17—30 минут... Ленин номли майдонда Ўзбекистон XII спартакиадаси қатнашчиларининг тантанали юриши бошланади. Мингларча шаҳарликлар шаҳарнинг марказий кўчаларидан шаҳдам қадам ташлаб бораётган республика ёшларини самимий табриклайдилар.

«Пахтакор» стадиони байрамлардагидек безатилган ҳукумат ложасида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Наҳесткин, Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ва республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари ўтиришдилар. Ложада СССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий советининг раиси Ю. Д. Машин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Т. Дувакин ҳам бор.

Фанфарлар: «Ҳаммангиз тинглангиз» куйини чаладилар... Марш садолари янграйди... Стадионга Ўзбекистон ССР байроғини тантана билан олиб кирадилар. Улар кетидан байроқдорлар колоннаси юриб келмоқда. 1.650 киши қатнашган парадни республика мактаб ўқувчиларининг терма командаси бошлаб беради. Уларнинг кетидан Андижон ва Бухоро областлари, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм областларининг спортчилари юриб келадилар. Парадниг охирида Тошкент физкультурачилари юриб ўтадилар.

Кўм-кўк майдонда спортчилар саф тортиб турадилар. Ташкилот комитетининг аъзолари парад қўмондонидан рапорт қабул қиладилар.

Ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов спортчиларни катта байрам билан табриклайди, уларга меҳнатда, ўқишда ва спортда янгида-янги ажойиб ғалабалар тилайди.

— Бу йилги спартакиада ўз кўлами ва спорт-техника натижалари жиҳатидан илгари ўтказилган барча спартакиадалардан устун туради, — деди ўртоқ Карлов. — Бу спартакиада ҳақли равишда республиканинг спорт йилномасига ёзилади.

В. А. Карлов Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг XII спартакиада қатнашчиларига ва улар орқали республика физкультурачиларининг бутун бир миллионлик армиясига табрикномасини ўқиб беради.

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий советининг раиси Ю. Д. Машин спортчиларни самимий табриклайди.

Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзлари советининг раиси В. С. Митрофанов қардош республикаларнинг спорт ташкилотларидан келган табрик телеграммаларини ўқиб беради. У, байрамда қатнашиш учун Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон спорт делегациялари келганлигини хабар қилади.

Стадион жимжит бўлиб қолади. Ўзбекистон ССР давлат гимни тантанавор янграйди. Республика байроғи кўтарилади. Олимпиада олови порлай бошлайди, бу олов мусобақа давом этган кунларда порлаб туради. Спартакиада қатнашчилари тантанали марш-парад билан минбарлар олдидан юриб ўтиб, стадиондан чиқиб кетадилар.

Тантанали қисмдан кейин стадионда катта спорт байрами бўлиб, унда беш мингдан кўпроқ физкультурачи қатнашди. Бадиий гимнастика мастерлари, мактаб ўқувчилари, «Меҳнат резервлари»да тарбияланувчилар, Ўзбекистон физкультура институтининг студентлари, Совет Армиясининг спортчилари маҳоратларини намойиш қилдилар.

XII спартакиаданинг тантанали очилиши оммавий халқ сайили ва байрам мушакбозлиги билан тугалланди. (ЎзТАГ).

МИРЗАЧЎЛНИ ТЕЗ ЎЗЛАШТИРАЙЛИК

ЎРАТЕПА, (Мирзачўл), 15 июнь. (Ўз

БЕШИНЧИ КОСМОНАВТ БИЛАН ТАНИШИНГ!

В. Ф. Биковский жисмоний тарбия машғулотида.

С. Баранов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

В. Ф. Биковский отаси Федор Федотович ва онаси Клавдия Ивановна билан.

В. Смирнов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

В. Ф. Биковский машқ пайтида.

Вера Жихаренко фотоси (ТАСС фотохроникаси).

В. Ф. Биковский машқ қилмоқда.

С. Баранов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

БЕШИНЧИ ПАРВОЗ

Бу сафар комсомол аъзоси Валерий Биковский парвоз қилди. Қизим ўзида йўқ ҳурсанд. Укаси Ҳиммат-иллани қучоқлаб ўпади:

— Бешинчи сафар бизнинг комсомол парвоз қилди. ВЛКСМ шон-шуҳратини юлдузларга элтди,— дейди севинчи ичига сиғмай у.

Ҳа, бу сафар комсомол аъзоси, довюрак, эл фарзанди Валерий Биковский башарият оламини ўзига мафтун этиб, Гагаринлар сафига ўтди. Бу комсомол аъзоси бўлгани учун менинг комсомол қизим Ҳимоят ҳам фахрланяпти. Фақат Ҳимоятми? Йўқ. Ҳамма — унинг дугоналари, синфдошлари, укалари, ҳамма ёшлар фахрланишяпти.

— Ойижон, бу бешинчи парвоз, Бешни биласиз-ку, мактабда биз беш олиб ўқишга интиламиз. Иши ўнгидан келганларга унинг иши беш дейишади, Валерий бошлаган бешинчи сафардан кейин космонавтлар авлодининг ишини беш деяверинг! Энди яна баланд, яна тез, беҳавотир училади. Космонавтлар ёнида довюрак қизларимиз ҳам бемалол парвоз қилаверадиган бўлиб қолишади...

Қизим бу сўзларни қаяжон билан, ҳарорат билан айтади. Лекин мен оналик меҳри билан унинг қувончига шерик бўламан-у, кўз олдимда яқин келажак намоён бўлади: космонавтлар ойга қўнишибди, «Восток-177» Марсдан қайтиб тушибди...

Бу сўзлар ҳозирча нишига галати бўлиб туюлади. Аммо яшин тезлигида тараққий этаётган Совет фани бунга албатта эришади. Ниятим шуки, менинг Ҳимматиллам ҳам Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриан Николаев, Павел Попович ва ниҳоят мен унинг шу парвози куни қутлаётганим Валерий Биковский каби акаларига эргашади, Ватанимиз шарафини сайёраларга кўз-кўз қилади.

Бешинчи парвоз!

Мен юлдуз тўла осмонга кўз тикаман. Юлдузлар ялт-ялт жимирлашади. Уларни мен бирталай космос кемалари учиб юргандай ҳис этаман. Ана бир юлдуз учиб ўтди. Бу балки сенинг «Восток-беш»ингдир Валерий. Майли уч, учавер азизим. Парвозингга мафтун бўлиб, юрак ҳароратимиз билан сени кузатиб турибмиз.

Инобат ТОШПЎЛАТОВА,
Кўп болали она.

Валерий БИКОВСКИЙ

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИДА

„Авиация ва космонавтика“ журналининг махсус сонидан

Ҳар бир кишининг ўзига яраша истеъдоди бор, дейдилар. Фақат шуни топа билиш керак. Башарти меҳнатсевар, сабот-матонатли бўлсанг мақсадингга албатта етасан. Лекин ҳар қалай одам ҳаёт йўлига бирдан-нига қатъиян тушиб ололмайди. Баъзан иш энг арзимаган нарсадан бошланади. Ҳатто кўпинча кўзингга илинмайдиган майда-чуйда нарсалардан ҳам характер таркиб топади. Ўртоқларимдан бири Женька Петровнинг гап орасида қистириб ўтган ҳазилнома бир гапи ҳаётимда бурилиш нуқтаси бўлиб қолишини ҳаёлимга ҳам келтира олмаган эдим.

Кунлардан бир куни дарсдан кейин энди уйга кетаман деб турсам, Женька ҳеч ким қолмаган синфга мўралаб, мени сирли равишда йўлакка чақирди. Ҳатто чақирдигина эмас, балки қўли билан имлаб, бошарасини шундай қийшайтирдики, ёнё ҳозиргина ҳинд рожаси билан гаплашгандек эди.

— Менга қара, Валерка, пастда, комсомол комитети хонасида бир о-дам ўтирибди. Тушундингми?

— Хўп, нима қилти?—деб сўрадим мен.

— Ҳовлиқма. Яхшиси чопиб пастга туш-да, унинг гапига қулоқ сол. Унга ёқишга ҳаракат қилиб кўр. Ўшанда сени бирга олиб кетади ва сени ҳам рўйхатга ёздириб қўяди...

— Қаёққа? Нималар деб жаврайяпсан?

Женька гапимга жавоб бермасдан, эшикни таққа ёпиб чиқиб кетди. Дафтарларимни йиғиштириб, мен ҳам синфдан чиқдим-да, бир йўла бир неча зинадан сакраб, биринчи қаватга тушдим. Комитетнинг қия очилиб турган эшигидан кўзим секретарь столи атрофида тўпланиб турган болаларнинг елкасига тушди. Яқинроқ бориб, кима ҳақда гап кетаётганини билмоқчи ва Женька сирли равишда айтган «О-дам»ни кўрмоқчи бўлдим.

Стол ёнида норғул, жуссадор, очиқ чеҳрали одам ўтирар эди, у аэроклуб тўғрисида гапиряпти.

Аэроклублар борлигини илгари ҳам билар эдим, албатта, лекин ана шу клубга кираман деган ниятим йўқ эди. Ўша пайтларда қиличбозлик машғулотлари ва Москванинг бўлажак биринчилиги менинг учун энг аҳамиятли нарса эди.

Аммо аэроклубдан келган ана шу малласоч кишининг гапи мени қизиқтириб қолди. Давдурустдан:

— Аэроклубингизга ёзилсам бўладими?— деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Ҳамма иш ана шундан бошланди.

Биринчи марта туғилган куним арафасида мустақил парвоз қилдим. Ўнчалик ҳаяжонланганим йўқ. Мунтазам машқлар натижасида ўзимга ва машинага ишонч ҳосил қилган эдим. Топшириқ ҳам мураккаб бўлмай, ҳавога парвоз қилиш, баландликка кўтарилиш, аэродром устида бир учиб ўтиб, ерга қўнишдан иборат эди.

Самолёт лозим бўлган баландликка чиққач мен уни бурдим. Ҳамма иш бизни кўнгилдагидек эди. «Як» осмонда катта бир ёй ясаб, кўниш йўлига чиқиб олди. Ручкани сал қўйиб юборгач, ўзимни тутиб туролмай аланглаб, аэродромни қидира бошладим. Самолёт тўппа-тўғри юқори вольтли линия симига қараб учиб бораётганини сезиб қолдим. Бошқариш ручкасини тортган эдим, машина қора томирсимон симлар устидан равонгина ўтиб кетди. Рўпарамда жарликни кўрдим. Бу жарлик аэродромнинг ёқасида эди. Мотор секин айланаётганини мутлақо унутиб, бундан авваги операцияни такрорладим. Тезлигини йўқотган самолёт кескин пасая бошлади ва лўп этиб, кўниш чизиғига тушди, лекин қўниш белгиси «Т» ҳарфи қўйилган жойгача етиб боролмади.

Бошимда ялт этиб:

— Ҳозир мени қойиб беришади ва иккинчи марта учишга рухсат беришмайди,— деган фикр пайдо бўлди.

Лекин йўлагаканимнинг тескариси бўлиб чиқди. «Як» аэродром бўйлаб бурилаётган пайтда мен қаршимдан инструкторимиз Ерофеевнинг югуриб келаётганини кўрдим. Унинг чеҳрасида ғазабдан ҳам кўра маъқуллаш аломати бор эди. У самолёт қанотига шартта сакраб чиқиб, менга далда бериш учун бақирар эди:

— Ҳеч қиси йўқ, Валера, ҳеч қиси йўқ. Газ беришни унутма, қани яна бир босгин...

Мотор тезлигини ошириб яна гувиллаб кетди. Машина ердан яна равон узилиб, гўё ҳавода муаллақ тургандек бўлди. Мен айтилган нарсаларнинг ҳаммасини жуда пухта бажариб, самолётни иккинчи марта мустақил қўндира бошладим.

Ура! Бу гал ишим ўнгидан келди. Шасси ғилдираклари жуда катта «Т» ҳарфи ёзилган чизиқ сатҳида майсага тегди.

Ҳозир ўзимизнинг Ерофеевичимизни (биз инструкторни ўзаро шундай деб юритар эдик) миннатдорчилик билан эслайман. У менда авиация спортига нисбатан меҳр пайдо қилди, учувчилик касбига бошқа кўз билан қарашга ўргатди, бизга довюраклик, сабр, чидам, совуққонликдан илк бор сабоқ берди.

...Аэроклубни тамомлаганимдан кейин учувчилар ҳарбий мактабига боришга қарор қилдим. Бундан бўёнги ҳаётимни самолётсиз тасаввур қила олмас эдим. Денгизчи бўлиш ҳақидаги орзуларимни унутиб ҳам юбордим.

Йнструктор Ерофеев бир вақтлар бизга: аэроклубда ҳарбий учувчи сифатида тобланиш ҳам мумкин, бир умрга фақат ҳаваскор спортчи бўлиб қолиш ҳам мумкин, деб тўғри гапирган экан.

Мактабдан кейин қисмга бордим. Бу ерда жуда кўп учувчилар оғир имтиҳонлардан ўтган, машаққатлар ва тасодифларни кўра бериб, пишиб қолган эканлар. Қуролли кучларимизнинг энг серҳаракат тури —авиацияда бундай машаққатлар ва тасодифлар тез-тез учраб туради.

Умумий сафга тизилган вақтимизда менинг ўрним ҳам ҳисоб бўйича, ҳам гавдамга қараганда эскадриляннг чап қанотида бўлиб чиқди.

Мен майор И. В. Шилованинг бўлинмасига тушиб қолдим. Иван Васильевич биз, ёшларга ҳарбий учувчилик санъатини ўргатиш учун кўпгина меҳнатини, ғайратини, муҳаббатини сарфлади. Рост, дастлабки кунларда ҳамма нарса ҳам мактабда тасаввур қилиб юрганимдек бўлиб чиқмади. Дастлабки кезларда биз кам учдик. Кўпроқ об-ҳавога қараб қолдик, об-ҳаво эса қасдига олгандек, бизнинг учишимизга имкон бермас эди. Ўзаро ҳар хил гапларни кўп гапирардик, очиғини айтганда кайфиятимиз ҳам чатоқ эди.

Эскадриля командири буни кўриб, парвосиз қолмади, у ниҳоятда кўнгилчан одам бўлиб, кайфиятимизни жуда яхши сезиб турар, ҳатто арзимаган ўзгаришларни ҳам пайқаб, қалбимизга йўл қидирар эди. Унинг бир гапи эсимда:

— Сизлар қийналяпмиз, зериқяпмиз, бизни ҳам учиришяпти деясизлар,—деб бошлади сўзини ўша вақтда майор,— худди биров сизларни алдагандек ўпқаланиб юрибсизлар. Менинг эса сизларга ҳавасим келади. Ёшлигингизга ва ҳатто,— деди у кулимсираб,— ҳаёт ҳақида ҳали жуда кам нарса билганлигингизга ҳавасим келади. Лекин хулоса чиқаришга ошиқманг, шоввозлар. Мана шу ерда хизмат қилиб, йўқиб ўрганиб кўринг, осмонга штурм қилишдан ҳам, ўзингни ана шу тубсиз океаннинг хўжайини деб ҳис қилишдан ҳам кўра эўр шодлик йўқлигига қаноат ҳосил қиласиз.

Ана шу гапдан кейин мен кўп ўйладим. Кейин учувчилик иши менга мутлақо бошқача кўрина бошлади. Йўқ, бу албатта ҳунар эмас, шаввозлик ҳам эмас. Авиация ўзида ҳамма нарсани: ватанпарварликни, ишжоаткорликни, камтарликни, ҳар лаҳзада сергаклик билан ҳисоблаб, иш кўришни, темир иродалликни, одамларга муҳаббатни мужассамлаштирган, деб майор тўғри гапирди. Бусиз учувчи бўлиш қийин. Лекин маҳоратга фақат сабот-матонат ва сабр-чидам билан, ҳатто иккиқикр нарсаларга гоят эътиборли ва масъулиятли қараш билан эришиш мумкин.

Хизматдош ўртоқларим Шилов, Голубев, Уханов, Алёшкин, Горнлар сингари уста учувчи бўлгунимча ҳали осмонга кўп-кўп марталаб парвоз қилишимга тўғри келади.

Кейин яна иссиқ кунлар бошланиб, иш кўпайди, парвозлар ҳам мураккаброқ бўлиб қолди.

Ўзим кўрган оғир кунлар ичида бир кун хотирамдан сира кўтарилмайди. Учиш-тактика машқлари олиб борар эдик. Қош қорая бошлади. Аэродром устида пастак буқутлар пайдо бўлди. Бита-яримта ёмғир томчилади.

«Самолётларга!» деган буйруқ тасодифан бўлиниб, бўлиниб қулоққа кирди. Биз ўз машиналаримизга қараб югурдик. Турбиналар гуруллаб кетди. Прожекторларнинг кескин шуъалари порлаб, қирувчи самолётлар шиддат билан осмонга кўтарилди. Осмонда самолётлар занжирсимон саф тузди. Биринчи бўлиб майор Шилов учиб борар, мен эса учинчи эдим. Эскадрилья командири билан бирга учишни яхши кўрар эдим. Учувчилар тайёрлашга бир талай куч ва ғайрат сарфлаётган бу одам ҳар бир парвозни ибрат бўларли сабоққа айлантиришга уста эди.

Кабина фонарининг ойнаси орқали пастга қарасам, ер қопқора, кўз илғамас, сирли бўлиб кўринялти. Фақат ахён-ахёнда самолёт қаршисидан поселкалардаги тунги чироқлар лип этиб, кўриниб қолади, холос. Дамбадам аркка назар ташлаб, стрелканинг қимирламай турганини кўрдим. Прибор ишламаётганини тушуниб, бошда саросимага тушдим. Чунки, бу «янгиликни» сира кутмаган эдим да. Кечаси компассиз аэродромни қандай топаман, ерга қўнишда нимани мўлжалга оламан. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди.

Радио орқали қаердалигимни сўрашди. Қўнадиган аэродромим билан радио орқали алоқа боғланга учриб кўрдим, самолётни ердаги чироқларга қараб бурдим. Радио компас аввалгидек «индамас», геромагнит компас ҳам ишламас эди.

— Бирон жойда шикаст бор-ку,— деган фикр ялт этди миямда, — нима қилсам экан?

Юрагимда гулғула пайдо бўлди. Харитани олиб тиззамга қўйдим-да, қаерда учаётганлигимни аниқлай бошладим. Буни тунда аниқлаш қийин, тунги мўлжаллар одамни алдаб қўяди. Энг тўғри йўл — радиоприёмникнинг тўртинчи каналини ишга солиб, пеленгаторга қараб бориш.

Штурманлик тайёргарлиги бўйича ўтказилган сўнгги машғулотлардан бири эсимга тушди. Ўша машғулотда компас ишламай қолса, наушникдаги овознинг кучайиши ёки бўшашига қараб, самолётни гоҳ уёққа, гоҳ буёққа бир оз буриб учиш керак дейилган эди. Шундай қилиб кўрсам, тузук бўлаётганга ўхшади. Кейин эфирда учиш раҳбари Полозовнинг таниш овози эшитилди. У жуда бамайли хотир гапирар, чунки бундай воқеаларни билар эди.

— 115, мен «Прибой»ман, мени эшитяпсизми?

Яхши эшитаётганлигимни айтдим, юз берган ҳодиса ҳақидаги мулоҳазаларимни айтмоқчи эдим, лекин улгура олмадим. Полозов бундан кейин қандай учишимни сўрай бошлади. Модомики, шу гапни сўраяптими деб йўладим, демак менга ишонади, учишнинг уддасидан чиқишимга имони комил.

Шундан кейин менга кўрсатишган йўллари булутлар орасидан ўтди. Менга кўниш лакатори билан йўлга солиб туришди, жойимни аниқ айтиб беришди, баландликни ва йўлни тузатиб боришди. Мана қўнишимга ҳам яқин қолди. Энди чизиқни кўрдим, лекин у дуруст кўринмас эди. Энг оғир иш қолди; адашиб ўтиб кетиб қолмасам бўлгани. Қўнишим нормал бўлди. Ҳаммадан аввал Лёша Галаганни ўйладим. Бизга штурманликдан ўша дарс берган эди...

Мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ қирувчи учувчилар орасидан жой олишни, янги, ҳали ҳеч ким кўрмаган машиналарда учишни, ана шу машиналарни максимал ортиқча юкланиш билан ишлатиб кўришни, пишиқликнинг чегарасини билишни, одамнинг қўлидан келадиган режаларни рўёбга чиқаришни орзу қилар эдим.

Ўз фикримни ҳеч кимга айтмаган бўлсам ҳам, лекин ўзимни синовчи учувчилар марказига юбориш тўғрисида командир номига рапорт ёзиб қўйган эдим. Шундан буён қанча вақт ўтгани аниқ эсимда йўқ. Аммо ўз орзуйимнинг рўёбга чиқишига ишончим кам эди. Кунлардан бир куни мени қисм командири ҳузурига чақириб қолишди. Полковникка нимага керак бўлиб қолганимни ҳатто тушмонлаб била олмадим.

Уставда кўрсатилганидек келганим тўғрисида командирга маълум қилдим. У мени ўтиришга таклиф қилди. Мени бу ерга нима учун чақиришганини билмоқчи бўлиб, тўпланганларга тез разм солдим.

Шу орада командир гапини давом эттирар эди:

— Сиз қирувчи учувчи бўлишга қаттиқ интилаётганингиз ҳақидаги миш-мишлар менгача етиб келди. Мана бу ўртоқлар, — деди у врачлар томон бош ирғаб, — сизга ёрдам беришлари мумкин.

Бу ерда нима бўлаётганини ҳали сира тушунмаганлигим ва ўзимни қандай тутишимни билмаганлигим учун сукут сақлаб туравердим. Комондир кабинетига тўпланган бошқа одамларнинг ҳаммаси ҳам сукутда эди. Менга қизиқиб, тикилиб қараётганини пайқадим. Подполковник кийимидаги бир врач дастрўмолини олиб кўз ойнагини артгач, уни яна тақди-да менга шундай савол берди:

— Бизга ўзингизнинг кимлигингизни, қаерда туғилганингизни, қандай ҳаёт кечирганингизни батафсил айтиб берсангиз.

Мен саволнинг маъносига тўла тушунмай ўз биографиямни сўзлаб бера бошладим. Биографиям жуда қисқа бўлиб мазмунли ҳам эмас, унда одатдан ташқари ҳеч нарса йўқ. 1934 йил 2 августда Павлово-Посад шаҳрида туғилганман. Оиламни сўрасангиз отам, онам, олам ва мен кейин Москвага кўчиб борганмиз. 1952 йилда Москва мактабининг ўнинчи синфини тамомлаганман. Ўша йили май ойида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзи сафига кирганман. Комсомол билетимнинг номери 07406371. Буларнинг ҳаммасини мен ҳамиша ёддан билар эдим. Кузда аэроклубни тамомладим. Кейин ҳарбий учувчиларни дастлабки ўқитиш мактабида Качино билим юртида ўқидим. ниҳоят полкда хизмат қила бошладим. Аслини олганда бутун биографиям ана шундан иборат.

Гап узоққа чўзилди. Мендан парвозлар тўғрисида, соғлигим ҳақида сўрашди, медицина дафтарчамни варақлаб кўришди, ундаги айрим ёзувларни шу ернинг ўзида командир билан полк врачидан сўраб аниқлаб олишди. Суҳбатнинг охирида полковник узил-кесил қарор кейинчалик қабул қилинади, ҳозирча кетаверишингиз мумкин, — деди огоҳлантириб.

Бўлган гапларнинг ҳаммаси ана шу.

Бирон нарсага жуда мунтазар бўлсанг, ой-кун қасдига олгандек ниҳоятда секин ўтади. Ҳар қалай менга шундай туйилди. Лекин ой-кун соатма-соат, кунма-кун, ҳафтама-ҳафта тўхтамай ўтиб боряпти. Фақат сабр-қаноатли бўлиш керак. Мен ҳам сабр-қаноат билан кутар эдим.

Командир ҳузурига чақирилганимдан кейин синовчи бўламан, деган ишончим ошди. Бу ишонч учувчилик дафтаримда «Ҳаво жангини ғайрат билан ва тактик жиҳатдан тўғри олиб боради, ортиқча юкланишга яхши бардош беради» деган ёзув пайдо бўлганидан кейин аёнқса кучайди. Бу сўзларни полковник ёзиб қўйган эди. Ўзи эса тажрибали учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони» ураш вақтида Александр Иванович Покришкиннинг қўл остида учиб, фашистларнинг 23 та самолётини уриб туширган.

Қисқа ҳаёт йўлимда учратган ҳамма нарсаларим ҳаёлимда қалқиб гавдаланаверди. Бауман район комсомол комитетининг секретари доҳиймизнинг абадий барҳаёт ва таниш тасвири туширилган кичкина дафтарчани менга топширган кунни ва онам Клавдия Ивановнанинг ўша куни:

— Капкатта бўлиб қолдинг-а, Валера, — деган гапларини эсладим...

Болаликда «денгизчи бўлиш»ни орзу қилганимни эслаб, ич-ичимда кулар, янги бир воқеа бўлишини юрагимдан сезиб турар эдим. Халқаро геофизика йили тўғрисидаги гапни, академик И. П. Бардининг Барселона ассамблеясидаги (коми шунақа эди шекиллик) ахборотини қайси бир газетадан ўқидим ёки радиодан эшитиб қолдим. И. П. Бардин Совет Иттифоқи Ернинг сунъий йўлдошини учирмоқчи деган эди. У ана шу ахборотки 450 йил муқаддам Христофор Колумб ўзининг янги дунёга сузиб келгани тўғрисида қиролича Изабеллага ахборот берган Испаниядаги ўрта аср саройида айтди. Ўша вақтда мен бу янгиликка ўнчалик аҳамият бермаган эдим.

Фикрлар ва туйғуларга тўлганимча кузги тоза ҳаводан нафас олиб, эшик олдида турар ва тун пардаси оша жона-жон аэродромни яққол кўришга ҳаракат қилар эдим. Самолётлар турган жойлар, Буларнинг ҳаммаси тез орада фақат хотира бўлиб қолади. Мени учувчи қилган, менга техниканинг тилини ўргатган, янгича яшашга таълим берган ажойиб кишилар ҳақидаги хотира бўлиб қолади... (давоми бор), (ТАСС).

В. Ф. Биковский рафиқаси Валентина Михайловна ва ўғилчаси билан.

В. Смирнов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

В. Ф. Биковский машқ қилаяпти.

В. Смирнов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

ОРОМБАХШ БОҒ-РОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

★ ★ ★

ЯХШИ ҲОРДИҚ— САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Меҳнаткашларнинг ёзги дам олиш мавсуми бошланди. Соялай сўлим боғлар, мавжланиб турган тўлқинли денгиз соҳиллари, қирғоқ талашиб шовуллаб оқаётган соғлик этаклари, болалар чуввосига тўлган пионер лагерлари, бахаво дам олиш уйлари, курорт ва санаторийлар яна гавжум бўлиб кетди. Йил бўйи қайноқ меҳнат гаштини сурган азаматларга бу оромгоҳлар шифобахш бағрини кенг очди.

Шукуҳли ва бахаво жойларда хузур қилиб дам олганга нима етсин! Ҳа, қуёш, ҳаво, тиниқ сув бизнинг яқин дўстимиз. Меҳнат ва дам олиш режимига қанчалик тўла амал қилинса, сиҳат-саломатлик шунчалик мустаҳкамланади. Шу сабабданки, меҳнаткашларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Партия ва ҳукуматимиз кишиларни яхши ишлашлари билан бир қаторда, уларнинг ёзилиб ҳордиқ чиқаришлари ҳақида ҳам доимий ғамхўрлик қилишаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети томонидан дам олиш уйлари ва санаторий-курорт муассасалари ишини тағин ҳам яхшилаш ҳақида қабул қилинган қарор республикамизда курорт ва дам олиш уйларини тағин ҳам ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Курорт бойликларидан кенгроқ фойдаланиш истиқболлари белгиланди. Шифобахш минерал сувлардан фойдаланиш тадбирлари кўрилди.

Шу йилнинг ўзида республикамизда бир неча янги дам олиш уйи фойдаланишга топширилди. Бу оромгоҳларнинг қурилиши, мавжудларини кенгайтириш ва ободонлаштириш учун бир миллион 800 минг сўмлик маблағ ажратилди. Бу миқдор ўтган йилдагига қараганда 2,5 марта знёддир.

Дам олиш муассасалари кўпайиши билан бу даргоҳларда дам олувчилар сони ҳам кескин ортди. Бу йил областимиз меҳнаткашларидан 30 минг 600 киши меҳнат отпускаларини дам олиш уйларида ўтказади. Бунинг учун катта тайёргарлик кўрилди. Курорт райони деб ном олган Бўстонликда янги шифохоналар барпо топади. Оила бўлиб хордиқ чиқарадиган «Обирақмат» дам олиш уйи кенгаяди. «Чиғатой» дам олиш уйида янги корпус қурилади. «Ботаника» дам олиш уйи йирик шифохонага айлантирилади.

Пионер лагерлари ва улардаги ўринлар сони жиҳатидан республикамиз Ўрта Осиёда биринчи ўринни эгаллайди. Ҳар йилгидек бу мавсумда ҳам пионер ёзи кўнгилли ўтмоқда. Пионер лагерларида 34 минг 600 ўқувчи ёз гаштини суради. Пойтахтнинг ўзида очилган лагерлар бир ярим мингдан ортиқ ўғилқизни бағрига олади.

Дам олиш уйлари, санаторий ва курортлар ишининг жонланиши кўп жиҳатдан касаба союз ташкилотлари фаолиятига боғлиқ. Чунки КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан Иттифоқ соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли барча дам олиш уйлари ва санаторийлар касаба союзлар ихтиёрига бериб қўйилди. Касаба союз ташкилотларининг кўмаги билан оромгоҳлар сони бирмунча ортди ва дам олувчиларга кўрсатилаётган маданий хизмат анча яхшиланди.

Бироқ, дам олиш уйларига бўлган эҳтиёж бизда ҳали тўла қондирилмаётир. Бунинг устига республикамиз дам олишни уюштириш соҳасида Иттифоқимизда кейинги ўринлардан бирини эгаллаб келади. Бу, албатта, бизни ташвишлантиради. Серқуёш ўлкамизда янги оромгоҳлар ташкил этиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ютуқларимизнинг калити ўз қўлимизда. Бинобарин, тадбиркорлик билан иш юритиш керак.

Ҳозир областимизда 50 га яқин лагерь бор. Улардан ёз ойларидагина фойдаланилади, холос. Йилнинг қолган тўққиз ойи мобайнида улар бўш ётади. Бу даврда лагерлардан дам олиш уйлари ўрнида фойдаланилса чакки бўлмасди.

Колхоз ва колхозлараро санаторийлар қуриш ҳақидаги ташаббусни мақуллаш керак. Аммо, негадир кейинги йилларда бу ҳаракат кенг қулоч ёзмаётир. Вақоланки, кўпчилик хўжаликларда санаторийлар қуриш учун қулай табиий шароит ва имкониятлар бор.

Курорт бойликларидан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Серқуёш ўлкамизнинг географик ўрни, сатҳи ва иқлимининг хилма-хиллиги жойларда кўплаб шифохоналар барпо этиш имконини беради. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек бундай катта қулайликлар қўлдан бой бериб қўйилмоқда. Иқлимий курортлар очиш эътибордан четда қолиб келаяпти. Юқори Чирчиқ бошқармасидаги Аркитсой, Сижжак, Миской, Жўрекбой, Хўжакент сингари ажойиб қишлоқлар бағри ана шундай шифобахш даргоҳлар учун жуда мосдир.

Шифохона ва туристик базалар қуришдан олдин жойларнинг иқлими ва об-ҳаво шароитини пухта ўрганиш талаб этилади. Курорт иқлимини ўрганувчи станциялар хозирча йўқ ҳисоб. Иқлим ҳақидаги фанни ривожлантириш учун бу ишга тегишли илмий-текшириш муассасаларини жалб этиш ҳамда дам олиш муассасалари билан улар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозим.

Бу ишларга биринчи галда касаба союз ташкилотлари, қолаверса, давлат ва жамоат ташкилотлари яқиндан бош қўшишлари даркор. Сайрғоҳлар қанча кўпайса, меҳнаткашлар меҳнат отпускаларини областимизнинг хушманзара боғ-роғларининг ўзида шунча роҳатланиб ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир дам олиш уйи, санаторий, пансионат оммавий маданият ўчоғи ҳисобланади. Меҳнаткашларни тарбиялашда уларнинг роли катта. Шу сабабли маданий-оммавий тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш дам олиш уйлари ходимларининг жонажон ишидир.

Яхши ҳордиқ чиқарнинг. Яхши ҳордиқ — саломатлик гарови.

СЎЛИМ БОҒ ГАШТИ

Дам олувчилар чойхонада.

Икки табақали дарвозадан ичкари киришингиз биланоқ ўзингизни анвойи гуллар чаманию куюк соя ташлаб кўкка мағрур бўй чўзган азим дарахтлар қучоғида кўрасиз. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу даргоҳнинг нақадар файзнок эканлигига тан бермасдан иложингиз қанча!

Таъриф-тавсиф қилинаётган бу сўлим боғ қаер бўлди экан, деб ўйларсиз. Бу, «Ботаника» дам олиш уйидир. Бу оромгоҳ ишлай бошлаганига қариб 22 йил бўлди. Дастлабки йилларда дам олиш уйи фақат ёзги мавсумга мўлжалланиб, ҳордиқ чиқарувчилар сони 150-200 дан ошмас эди. Қарангки, йиллар ўтиши билан унинг бағри кенгайиб, ажойиб дам олиш уйига айланди. Эндиликда бу истироҳат боғининг номини фақатгина республикамиз шаҳар, қишлоқларида эмас, балки мамлакатимизнинг турли чеккаларида ҳам тилга оладилар.

— Дам олиш уйимиз 1957 йилдан бошлаб 520 ўринли 5 корпусга эга бўлгандан сўнг бутун йил давомида узлуксиз ишлашга ўтди, — дейди дам олиш уйининг директори Абдуали Пўлдошев.— Оромгоҳимизда шу йилнинг биринчи ярмида 4 485 киши ҳордиқ чиқарган бўлса, йил охиригача яна 5600 га яқин дам олувчига хизмат қилиш ниятимиз бор. Шу кунларда турли шаҳарлардан келишган 375 киши дам олиб ҳордиқ чиқармоқда.

— Ҳа, яхши ҳордиқ кучга куч ғайратга ғайрат қўшади дейишади ўз меҳнат отпускасини мазмунли ўтказиш учун келаётган меҳнаткашларга яхши хизмат қилиш борасида «Ботаника» дам олиш уйида кўпгина ишлар амалга оширилди. қулайликлар яратилди, кўпгина қурилиш ишлари қилинмоқда.

Дам олувчиларга маданий хизмат кўрсатиш айниқса яхши йўлга қўйилган. Бу ерда радиоузел, музика асбоблари салони, биллиард хонаси, шахмат-шашка павильони, кино установка ҳамда кутубхона бор. Кутубхонада 7 минг сўмлик турли соҳа бўйича адабиётлар бўлиб, ҳордиқ чиқарувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Куй ва кўшик ихлосмандлари бўлса магнитофон орқали хохлаган ашулаларини марок билан тинглашлари мумкин.

«Ботаника» дам олиш уйининг истиқболи порлоқ. Келгуси йилдан бошлаб дам олиш уйи шифохонага — неврологик санаторийга айлантирилади. Қўшимча корпус қурилиб, минерал сув ва четдан келтирилган балчик билан даволайдиган 10 та ванна ишга туширилади. Шу кунларда минерал сув қазиб чиқариш ишлари бошлаб юборилган. Дам олиш уйининг этагидан окиб ўтадиган Бўзсув анхорига қайиқ станцияси қуриш, пляж барпо этиш ва кўшимча қурилишлар учун ҳаммаси бўлиб 408 минг сўм пул ажратилди. Шифохона ходимларига турар жойлар қуриб бериш ҳам мўлжаллаб қўйилган. Қўйингчи «Ботаника» дам олиш уйи чинакам истироҳат боғига айланган. Бу ерга дам олгани келган меҳнаткашларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш уйининг меҳрибон ходимлари бажонидил хизмат кўрсатмоқдалар.

«Ботаника» дам олиш уйи ўз меҳнат отпускаларини яйраб ўтказай деб келаётган меҳнаткашларни катта қучоқ очиб кутиб олмоқда. Бу даргоҳ чинакам доргоҳга айланган.

А. ЮСУПОВ.

Боғнинг соя-салқин бағри сайрғоҳга айланган.

В. Салов фотолари.

★ ★ ★

ҲАМ ДАМ ОЛАСИЗ, ҲАМ ДАВОЛАНАСИЗ

Бекободдаги металлургларнинг шаҳарчаси тобора ободонлашиб, кўркамлашиб боряпти. Бу ерда инсон фаровонлиги учун нимаики даркор бўлса бари муҳайё. Бундан 10-15 йил муқаддам бу шаҳарча барпо этилаётганида олий ҳиммат кишилар «шу ерда бир қалин ўрмон ҳам пайдо этайлик» деган ниятда каттагина майдонга қайин, арча, терак, тол сингари жуда кўп декоратив дарахтлар экиб қўйишган эди. Ҳозир бу ерда катта бир дарахтзор-ўрмон ҳосил бўлганки, металлургларнинг уни «бизнинг яшил ўрмонимиз» деб фахр билан айтишади.

Шу дарахтзор ичидаги бўш ерда яқинда янги бир бино қурилди. Бу бинонинг қурилиши одатдаги бинолардан эмас. Уни инсон саломатлигини сақлашга мос қилиб қурилган. Ленин номидаги металлургия заводининг медицина санитария бўлим врачлари, медицина ходимларининг тавсияси билан бу ерда беморларни физиотерапия йўли билан даволайдиган шифохона ташкил этилди. Шифохона бўлганда ҳам қандай денг? Медицина фани ютуқларининг энг илғор, энг янги методлари билан даволанади.

— Бу хонада сизни врач кўради, турли процедуралар тайинлайди,— дея тушунтира кетади ҳамшира—мана бу хонада бод, радикулитга ўхшаган касалликлар иссиқ балчиқ билан даволанади. Шу ернинг ўзида душа иссиқ сувда ювиниб оласиз. Улар навбатдаги хонага киришар экан, ҳамшира:

— Мана ваннахонамиз, иккита ванна ўрнатилган. Бирида ошқозон-ичак касалликлари даволанади. Иккинчисида сув остида массажи қилинади. Бундан чиқиб физкультура йўли билан даволайдиган хонага киришингиз мумкин. Физкультура кўпчилик беморларга тавсия этилади. Мана бунинг учун каттагина хона ажратганмиз. Турли касалликларнинг хусусиятига қараб даволаш машғулоти ҳам ўтказилади. Электр йўли билан даволаш кабинетимиз ҳам бор.

— Ҳозирча шифохонамиз 30 қойкалик, лекин бора-бора уни яна кенгайтирамиз. Шу билан бирга бизда қатнаб даволанувчилар ҳам жуда кўп.— дейди шифохонанинг бош врачи ўртоқ Усмон Хўжаев.

Бундай шифохона областимизда (Тошкент шаҳридан ташқари) биринчи қурилиши. Металлургия заводининг маъмурияти ўзининг ишчи ва хизматчиларининг саломатлигини сақлашга катта эътибор бериб, ана шу қурилишга кўп миқдорда маблағ сарф қилди. Шифохона ишга туширилиши билан завод коллективи, шунингдек Бекобод шаҳар аҳолиси жуда қувонди. «Энди даволаниш учун, физиотерапия йўли билан дарда шифо истаб бошқа шаҳарларга бориб юришнинг ҳожати йўқ. Шу ерда, Бекободнинг ўзида ҳам дам олиб, ҳам даволаниб чиқиш мумкин. Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат» дейишмоқда.

Ф. УСМОНОВА
Г. СОЛИХОВА.

„О Қ Т О Ш“

Ғўзал «Оқтош» санаторийси тоғлар бағрида жойлашган. Бу оромгоҳда ҳар йили минглаб меҳнаткашлар ёз гаштини суришади. Бу йилги мавсумда ҳам «Оқтош» санаторийсида нўп кишй ҳордиқ чиқаради. Меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди. Санаторий мавсумни қарйб 10 кун барвақт бошлаб юборди.

— Ўтган йили, — дейди шифохонанинг бош врачи ўртоқ А. Аҳроров, — 1500 дан ортиқ киши дам олди. Бу йилги мавсумда дам олувчилар сони 1800 га етади.

Санаторийда дам олувчилар учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилинган. Шифохонада каттагина театр, танца майдони бор. Спорт майдончаси, нутубхона ҳар нуни кишилар билан гавжум бўлади. Радиоузел орқали эса турли темаларда суҳбатлар ўтказиб турилади, дилрабо куйлар таралади.

Шифохонада даволашнинг янги методларидан кенг фойдаланилмоқда. Даволаш кабинетлари янги асбоб-ускуналар билан бойитилди. Қуёш билан даволайдиган лаборатория учун алоҳида майдон ажратилди.

Даволанувчилар санаторийга меҳмон бўлиб келаётган санъаткорларнинг концертларини мароқ билан тинглашаяпти. Таниқли олимлар қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказишади. Айтгандай, улар махсус автобусга ўтириб, тоғ ёнбағирларига экскурсияларга ҳам чиқиб турадилар.

— Шифохонага келганимдан бери, — дейди хоразмдан келган колхозчи С. Жуманиёзов, — ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Бу ерда врачлар дам олувчиларнинг соғлигидан доим кўз-қулоқ бўлиб туришади. Қуёш нури билан даволаш соғлиққа катта фойда келтирар экан.

Бундай миннатдорчилик сўзларини истаган дам олувчидан эшитиш мумкин. Улар ҳам шифохона ходимлари, терапевт ва невропотолог-физиотерапевтларнинг хизматидан беҳад хурсанд бўлишяпти.

Т. РУЗИМАТОВ,
А. ЖУРАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг.** 12.20 — **Ғунча журнали саҳифаларида.** 12.40 — **Ёшлар учун.**

Рус тилида: 12.55 — **Қуёш қаерда тунайди** (болалар учун кинофильм). 13.05 — **Биз қандай ёрдамлашдик** (қўғирчоқ фильми). 13.25 — **Телевизион пьеса** (М. Орлов асари асосида). 18.00 — **Урмон болалари** (Ричардсон эртаги асосида инсценировка). 19.25 — **Телевизион янгиликлар.** 19.40 — **Советская Средняя Азия** телевизион журнали. 20.10 — **Эстрада концерти** (талабларга мувофиқ). 20.50 — **Новости дня** киножурнали. 21.00 — **Тимка** (Челябинск телестудияси фильми).

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар.** 21.30 — **Далада ишловчилар учун эшиттириш ва концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **«Олга» (Фрунзе) — «Карпати» (Львов)** командалари ўртасида футбол (Фрунзе шаҳридан). 19.45 — **Урмон** номли фильм-спектаклнинг 1 ва 2-серияси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/VI да кундуз **Этик кийган мушук**, кечқурун **Травиата.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)— гастролга чиқиш олдидан сўнгги спектакллар — 16/VI да **Инки билагузук**, 19/VI да **Нодира**, 20/VI да **Ватан ишқи.** Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 16/VI да кундуз соат 4 дан **Халқ талантлари байрами.**

1963 ЙИЛГИ

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

УЧИНЧИ ЧИҚАРИЛИШ БИЛЕТЛАРИНИНГ

ютуқлар тиражи

1963 ЙИЛ 23 ИЮНДА УРГАНЧ ШАҲРИДА ЎТАДИ.

Тиражда 221 375 сўмлик 7375 та буюм ютуғи ва 303 625 сўмлик 275625 та пул ютуғи ўйналадн.

Буюм ютуқлари орасида: «Москвич» автомашиналари, пианиноллар, коляскали мотоциклар, холодильниклар, тикув машиналари, эркак ва хотин-қиз қўл соатлари, шунингдек бошқа қимматли буюмлар бўлади.

Лотерея билетлари омонат кассалари, магазин, алоқа муассасалари, газета киоскалари театр ва кинотеатрларда сотилади.

Билет баҳоси 30 тийин.

Пул-буюм лотереяси билетларини сотиб олинг!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

Узоқ умр кўриш сирлари

Француз журналисти Жильбер Блок «Биз 150 йил яшаймиз» китоби учун материал тўплаётиб мендан грузин кексаларининг узоқ умр кўришига нима сабаб деб сўраганда, меҳнат деб жавоб берган эдим.

Жисмоний меҳнат, ижтимоий фойдали фаолиятчиндан ҳам узоқ умр кўришга имкон берадиган асосий фактордан биридир. Грузиянинг Очамчир райони «Земо Бедий» қишлоғида яшовчи кексаларнинг ёши анча қайтиб қолган бўлишига қарамай «Кексалар кенгаши» деб аталган кенгаш ташкил қилиб, колхоз ҳаётида актив қатнашмоқдалар.

Жильбер Блок бу қишлоққа келганда кексалар кенгашининг самарали фаолиятини кўриб ҳайратда қолган эди. Бу кўпйиллик ҳаётий тажрибага эга бўлган доно кишилар кенгаши колхознинг ёш раисига катта ёрдам кўрсатмоқда.

Грузия ҳақли суратда узоқ умр кўрувчилар ўлкаси ҳисобланади. Республикада 80 ёш ва ундан ортиқ яшаётган 62 мингга яқин киши бор. Кўп йил умр кўраётганларнинг аксарияти аёллар бўлиб, учдан биригина эркакларидир. Аёлларнинг эркакларга қараганда узоқ умр кўриш сабаби шундаки, улар алкогол ва никотин билан кам заҳарланадилар.

Грузияда 100 ёш ва ундан кўп умр кечираётганлар сони 2 минг кишидан ортади. Айни вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШда юз ёшликлар 2 минг кишига яқин, Англияда 301, Францияда 261, Японияда эса 97 кишини ташкил қилади.

Узоқ умр кўраётганлар соғлиғини, меҳнат ва маиший шароитини ўрганишимиз натижасида узоқ умр кўришга ёрдам берадиган қатор факторларни аниқладик. Бизнинг лабораториямизда иқлим-географик шароитни ҳисобга олинган геронтологик карта ишлаб чиқилган. Республиканинг турли жойларидаги узоқ умр кўраётганлар сонини таққослаш натижасида биз узоқ умр кўрувчилар кўпинча ўртача баландликда, денгиз юзасидан 1500 метр баландликда жойлашган районларда яшашини аниқладик. Булар катта Кавказ тоғининг ғарбий ва шарқий ёнбағирлари ва Колхида паст текислигининг катта қисмидир.

Шуниси характерлики, узоқ умр кўраётганларнинг ҳаммаси оилали бўлиб, 50-80 йиллаб никоҳда турган кишилардир.

Узоқ умр кўрувчилар жуда кўп бола, набира, эвара ва чеварларга эга. Масалан, Хулай районининг Гудасахо қишлоғида 115 ёшлик колхозчи Ражаб Камададзе яшайди. Унинг 7 қиз ва ўғли бор, бутун оиласи эса 96 кишидан иборат. Бу оила қишлоқда 11 та ҳовлига эга.

Казбек районининг Ганиси қишлоғида 103 ёшлик София Рубаева яшайди. У 13 боланинг онаси. Боржомида яшовчи Гоголадзе София 100 йил яшаяпти, унинг 11 боласи бор.

Бола-чақалар ва яқинлар даврасидаги тинч оилавий хаёт, ўзига яхши қараш, шахсий гигиенага риоя қилиш узоқ умр кўрувчиларга руҳий ва жисмоний кучни сақлашга, саломатликни йўқотмасликка ёрдам беради.

Айрим кишилар саломатликни сақлаш ва узоқ умр кўриш учун аввало дам олиш, иш қилмаслик керак деб қисқа ўйлайдилар. Бироқ илмий тадқиқотлар ва жуда кўп фактлар шундан далолат беради, биронта танбал узоқ умр кўрган эмас.

Грузиядаги узоқ умр кўраётганлар саломатлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, бундай кишиларнинг деярлик кўпчилиги ҳеч қачон ҳеч нарса билан оғримаган, кўплари текшириш вақтидагина врачга биринчи марта ўзларини кўрсатган бўлиб чиқдилар. Улар ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай жисмоний меҳнат билан шуғулланишади: колхоз, совхозларда, чой плантацияларида ишлашади, мол ва парранда боқишади, овни севишади, жамоат ишларида ва бадиий ижодда актив қатнашишади.

Бир неча мисоллар келтирамиз. Лихни қишлоғидаги колхозчи А. Х. Пилия 122 ёшда. У колхозда тегирмончи бўлиб ишлайди. Кексалар хорининг қатнашчиси сифатида фахрий ёрлик билан тақдирланган.

Зугдид районининг Медини қишлоғидаги чой плантацияларидан бирида Эпро Микава меҳнат қилади. У 93 ёшга қадам қўйди. У аллақачон пенсияга чиққан бўлишига қарамай даладан кетгиси келмайди, чунки у ерда унинг қўли билан биринчи чой кўчати ўтказилган.

Бу қишлоқда 65 ёшдан ошган 128 киши яшайди. Уларнинг 30 дан ортиғи 80 ёшдан ўтган. Пенсияга чиқиш ёшига етган бўлишига қарамай улар жисмоний меҳнатдан бош тортмайдилар.

Григорий ПИЦХЕЛАУРИ

медицина фанлари доктори, профессор

Кўпчилик кексаларнинг нерв системаси мустаҳкам, хотираси ҳам яхши сақланган. Улар узоқ ўтмиш воқеаларини яхши эслайдилар, нормал кўриш ва эшитиш қобилиятига эгалар.

Узоқ умр кўрувчиларнинг овқатланиш режими диққатга сазовордир. Одатда улар бир кунда 3-4 марта маълум соатларда овқатланадилар. Таомни каттик тўйиб ейгунча тановул қилмайдилар. Улар асосан аралаш овқатлар истеъмол қиладилар. Кўплари ўткир доривор ва зиравор ларни яхши кўрадилар. Чунки булар иштаҳани кучайтириб миллий таомларнинг таъмини яхшилайди. Кексаларнинг кўпчилиги ҳўл мевалар, узум, асал, сабзавотларни кўплаб истеъмол қилганликлари учун саломатликлари сақланганлигини айтишди.

Шу нарса аниқланганки, Грузияда узоқ умр кечираётганлар ҳўл мева ва кўкатларни кўплаб истеъмол қилиб мана шу маҳсулотларни оз истеъмол қиладиган одамларга қараганда атеросклероз билан кам касалланадилар.

Узоқ умр кўришга, шубҳасиз, Грузиянинг табиий шароити — организмнинг чиниқишига имкон берадиган ажойиб иқлими куёш радиацияси, аэроионизация ёрдам қилади.

Бизнинг кузатишларимиз ҳар бир киши қариш жараёнини тўхтатиши, ўз умрини бир неча йилга узайтириши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Узоқ умр кўриш ҳақида қайғириши 50-60 ёшга борганда эмас, балки туғилган вақтдан, ҳатто боланинг туғилишидан олдиноқ бошлаш керак, чунки болалар ёшидаги касалликлар бир умрга из қолдиради.

Бевақт қаришнинг бошланиши нерв системаси нормал функциясининг бузилиши билан боғлангандир. Нерв системасининг бузилиши организмни кучсизлантириб, ҳар хил органларнинг касалланишига, натижада модда алмашинувнинг камайишига олиб келади, ҳужайра ва тўқималарнинг тадрижий равишда сўлиши бошланади, ҳужайраларнинг ўз-ўзидан янгиланиш процесси бузилади. Шунинг учун нерв системасини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун тўғри режим, ҳар бир кундан тўғри фойдаланиш, меҳнат ва дам олишни, уйқу ва овқатланишни мунтазам алмашлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Қаттиқ толиқтирадиган иш саломатликнинг заволи бўлиб, тез қаритади. Инженер, врач, педагог, айниқса ёзувчи, рассом, композиторнинг ақлий меҳнати ижодий ва индивидуал меҳнат бўлганлиги учун уни ташкил қилиш ва режага солиш мумкин эмас, чунки бу илҳом билан боғланган нарса деб ўйлаш хатодир. Буюк олим ва жамоат арбоблари ҳамма вақт кўп йиллар давомида ишлаб чиқилган режимга риоя қилганлар, маълум вақтларда меҳнат қилганлар, дам олганлар ва ухлаганлар.

Физкультура ва спорт билан шуғулланиш, боғ ёки томорқада ишлаш, экскурсиялар, туризм, ов, балиқ тутиш, соф ҳавода сайр этиш дам олишнинг ажойиб турлари бўлиб, ақлий меҳнат кишилари учун айниқса фойдалидир.

Дам олишнинг асосий ва энг тўлақонли формаси—уйқу. Зўр ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишилар учун уйқу муддати кўпроқ бўлиши керак.

Саломатликни сақлаш ва умрни узайтириш учун тўғри овқатланиш муҳим аҳамиятга эга. Ишга очнаҳор кетиш зарарли. Кўпинча гўштли овқат ейишдан қочиш керак, аралаш, сутли овқатлар ва ҳўл мевалари етарли миқдорда истеъмол қилган яхши.

Қадимий Римдаги 112 ёшли кексанинг қабрига қўйилган тошга қисқагина қилиб қуйидаги сўзлар ёзилган: «У меёрида еб-ичган эди».

Вино ва спиртли ичимликларни кўплаб истеъмол қилиш организмнинг касалликларга тўсқинлик қилишини маълум даражада камайтиради, ҳар хил касалликларга олиб келади. Чекиш организмга жуда ёмон зарар келтиради.

Кексайганда физкультура билан мунтазам шуғулланиш ёшликдагига қараганда ҳам зарурдир.

Кейинги вақтларда қарилик кучайишининг олдини оладиган ва бутун организмнинг куч-қувват даражасини оширадиган дори-дармонлар топилди. Буларга новокаин, румин препарати геровиталь, венгер геровити ва бошқалар киради. Қариликка қарши дорилар орасида витаминлар ва гормонлар ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Лекин бу дориларни врач кўрсатмасига мувофиқ ва унинг назорати остидагина ишлатиш керак.

Бизнинг ҳар биримиз ўз ҳаётимизни узайтириш ва меҳнат қилиш қобилиятимизни сақлаш учун курашишимиз мумкин ва лозим. (АПН).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

ИНДЕКС 64695.

Р. 08277. 1616